



КАРОРИ

КАРАРЫ

Нүсхә шаһри

Некис қаласы

№ 202

« 23 » март 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги
«Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом
ашёсини қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли қарори ижросини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги
«Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг
хом ашёсини қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли қарори ижросини таъминлаш
мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

КА Р О Р К И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги
«Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг
хом ашёсини қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли қарори ижро учун
раҳбарликка олинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъқур қарори билан:
 - а) Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси
ва «Ўзбеккозиковкатхолдинг» ҳолдинг компаниясининг республика ҳудудида
каврак (Fertula foetida, Fertula tadshikotim) плантацияларини ташкил этиш
ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш ҳамда
экспорт қилиш мақсадида Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар
уюшмасини (кейинги ўринларда уюшма деб аталади) ташкил этиш
тўғрисидаги тактифига розилик берилганлиги;

б) Қуйидагилар:

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг «Шифобахш» доривор
ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази, «Ўзбеккозиковкат-
холдинг» ҳолдинг компанияси таркибидagi «Қарши экспорт-импорт бизнес»
МЧЖ ва «Сурхондарё агрофирмаси» МЧЖ масулияти чекланган
жамияти шаклидаги корхоналар ҳамда каврак етиштириш ва уни экспорт
қилиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар Уюшма
муассислари хисобланиши;

ташкilotлар, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи
субъектлар шартнома асосида Уюшмага мустақил авзо бўлишлари
мумкин ва унинг таркибидан чиқиб хуқуқига эга эканликлари маълумот
учун қабул қилинганлиги;

в) Қуйидагилар:

республика ҳудудларининг табиий-иклим шароитларига мос келишини
инобатга олган ҳолда, кавракни плантацияларда етиштиришни ташкил
этиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида кавракни саннат усулида етиштириш
ҳажминини кўпайтириш чораларини кўриш, маҳсулотни сотиш бозорларини
кентайитриш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш,
экспорт ҳажминини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

каврак уруғини тайёрлаш ва плантация ташкил этувчи ташкilotларга
етказиб бериш;

каврак плантациясинини ташкил этувчиларга плантация ташкил
этиш ва хом ашё етиштириш юзасидан методик ёрдам курсатиш ва тавсиялар
ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган инновацион технологияларни каврак етиштириш
жараёнига жорий қилиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

каврак етиштиришга жалб этилган мутахассисларни
плантацияларда агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш бўйича
ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш;

уюшма таркибига кирувчи ташкilotлар учун норматив-ҳуқуқий
базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, хорикий
инвестициялар, жумладан, халқаро молия институтларининг маблағларини
жалб қилиш йўли билан хар томонлама кўмаклаштириш Уюшманнинг
асосий вазифалари этиб белгиланганлиги.

г) Куйдалар:

Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 15 нафардан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуланганлиги;

Уюшма раисига, зарурат бўлганда, ижро этувчи аппаратининг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

Уюшманинг ижро этувчи аппаратининг жорий таъминоти ҳамда фаолиятини молиғлаштириш уларнинг тарқибига кирувчи каврак етиштирувчи ташкилотларининг ажратмалари, каврак плантациялари ташкил этиш ва унинг хом ашёсини экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг аъзолик бадаллари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда маҳаллий ва хорижий инвестиция маблаглари, шунингдек, конун ҳужжатларида таъкисланмаган бошқа маблаглар ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

д) Уюшма раиси ва унинг ўринбосари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланиши белгилаб қўйилганлиги;

е) Уюшма фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга қўмақлашиш бўйича 3-иловага мувофиқ тарқибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) тузилганлиги;

Ишчи гуруҳ (Н.Ж. Бакиров)га:

бир ой муддатда Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилишини, Уюшма устави тасдиқланишини ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Уюшма ижро этувчи аппарати тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадалига мувофиқ пухта танлаш асосида юқори мадақали мутахассислар билан тўлдирилишини;

хўшхўрларда фермер хўжалиқлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан каврак плантацияларини ташкил этиш ва хом ашёсини етиштиришга амалий ёрдам беришни таъминлаш белгилаб қўйилганлиги;

ё) 2018-2021 йилларда каврак плантацияларини ташкил этиш ва унинг хом ашёсидан тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

ж) Ишчи гуруҳ (Н.Ж.Бакиров)га икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлиқлари билан биргаликда 2019 йилдан республиканинг табиий иқлим шароитига ўтғри келадиган хўшхўрларда каврак плантациялари ташкил этиш ва етиштириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгилаб қўйилганлиги;

з) «Ўзбеккозиковкатхолдинлг» ҳолдинг компаниясига «Ўзғароэкспорт» акциядорлик жамияти, Каврак етиштирувчилар ва унинг хом ашёсини экспорт қилувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлиқлари билан биргаликда замонавий логистика тизимини кенг жорий этган ҳолда каврак хом ашёсини экспортга чиқаришга қўмақлашиш топширилганлиги;

и) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлиқлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда икки ой муддатда:

каврак ўсадилган ва унинг табиий захиралари мавжуд бўлган хўшхўрларни хатловдан ўтказиб, маълумотлар базасини шакллантириш;

хатлов натижасида аниқланган захира ер майлонлари доимий фойдаланиш учун уюшма аъзоларига ажратиб берилишини таъминлаш белгилаб қўйилганлиги;

к) Уюшма Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси «Ўзғаротехсенонатхолдинлг» акциядорлик жамияти билан биргаликда каврак плантацияларини ташкил этиш ва етиштириш учун талаб этиладиган маҳсус техника ва мини технологиялар турлари ҳамда миклоринни аниқлаш, талаб этиладиган маҳсус техника ва мини технологиялар сотиб олиш ва уларни лизинг асосида етказиб берилишини таъминлаш чораларини куриш топширилганлиги;

л) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурлидаги Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлиқлари билан биргаликда каврак ва бошқа доривор ўсимликларни қайта ишлашга мўлжалланган маҳсус фармацевтика корхоналарини ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиш белгилаб қўйилганлиги;

м) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси билан биргаликда долмий равишда каврак хом ашёси асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш, табиий захираларининг ҳолатини мониторинг қилиш, ўсимликнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилганлиги;

н) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент давлат аграр университетини билан биргаликда:

бир ой муддатда худудларнинг тулрок-иклим шароитидан келиб чиқиб, каврак плантациясини ташкил этиш ва етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишлигини;

2018 йилнинг 1 апрелига қадар фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгалари иштирокчида каврак плантациясининг ташкил этиш ва етиштириш юзасидан ўқув семинарлари ўтказишлигини;

каврак хом ашёсини қайта ишлаш орқали тиббиёт ва кишлоқ хўжалиги учун керакли дори воситаларини яратиш технологияларини ишлаб чиқишлигини таъминлаш топширилганлигини;

о) Тошкент давлат аграр университети «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари» ўқув йўналишида мутахассислар тайёрлашда каврак етиштириш технологиясини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишга эътибор қаратиш белгиланганлиги;

п) Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси билан биргаликда Уюшмани текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида Термиз шаҳри Истиклол кўчаси, 64-уйда жойлашган Ўрмон хўжалиги бошқармасининг мамыурий биносига жойлаштирилишини таъминлаш кўрсатилиб ўтилганлиги;

р) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда уюшма талабномасига асосан каврак плантациясини ташкил этиш мақсадида экиш материаллари (урўглари)ни йиғиш (ғамлаш)га белгиланган тартибда руҳсатнома беришни таъминлаш топширилганлиги мамыурот учун қабул қилинсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Халиқиев), Фармацевтика соҳасини ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (А.Сержанов) туман ҳокимликлари билан биргаликда каврак ва бошқа доривор ўсимликларни қайта ишлашга мўлжалланган махсус фармацевтика корхоналарини ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдир қилиниш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Т.Ҳожаназаров), Ўрмон хўжалиги кўмитаси (У.Утамбетов) ва Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Н.Амибетов) билан биргаликда уюшма талабномасига асосан каврак плантациясини ташкил этиш мақсадида экиш материаллари (урўглари)ни йиғиш (ғамлаш)га белгиланган тартибда руҳсатнома беришни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Т.Ҳожаназаров), Ўрмон хўжалиги кўмитаси (У.Утамбетов), Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Н.Амибетов), Ер ресурслари ва давлат қадасстри бошқармаси (Т.Султанов) туман ҳокимлари билан биргаликда каврак ўсадилғи ва унинг табиий захиралари мавжуд бўлган худудларни ҳатловдан ўтказиб, мамыуротлар базасини шакллантириш ҳамда ҳатлов натижасида аниқланган захира ер майдоқларини белгиланган тартибда долмий фойдаланиш учун уюшма аъзоларига ажратиб беришлигини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Рансининг ўринбосари С.Ҳожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси **К.Сариев**